



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИ**

АҲБОРОТНОМАСИ

№ 1–2

2019

ТОШКЕНТ – 2019

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси**

АХБОРОТНОМАСИ

2019 йил № 1–2 сон

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
Оммавий ахборот воситаси сифатида
давлат рўйхатидан ўтказилганлиги
тўғрисида гувоҳнома № 0838**

1999 йилдан чиқа бошлаган

Муассис:
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИ**

**Материаллар ҳар бир сонда
ўзбек ва рус тилларида
босилади**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ РАИСИ

Мирза-Улугбек Абдусаломов

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Махмуд Истамов
Худоёр Маматов
Баҳодир Юнусов
Шуҳрат Сироҷидинов
Жанабай Садиков
Шуҳрат Файзиев
Фарҳод Насриддинов
Кулмон Очилов
Наргис Собирова

БОШ МУҲАРРИР

Наврӯз Ризаев

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100078, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 6.
www.elections.uz e-mail:saylov@umail.uz
Телефон: 71 239-43-91
Нашриёт лицензияси AI № 158.14.08.2009.
Босишига 2019 йил 30 ноябрда рухсат этилди.
Бичими $60 \times 84\frac{1}{8}$. Офсет қоғози. «Times New Roman» гарнитурасида оғсет босма усулида босилди. Шартли босма табоғи 4,65.
Нашр табоғи 3,43. Адади 200 нусха.
Буюртма № 19-657.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг «O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100011. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Э.Турдимовнинг сенаторлик ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида

5

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси А.Жўраевнинг сенаторлик ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида

6

Самарқанд вилоятида бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайловини ўтказиш тўғрисида

7

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Котибияти низоми тўғрисида

8

Ўзбекистон Республикасида Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини тузиш, аниқлаштириш ва сайловларда ундан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида

9

Ўзбекистон Республикасида Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини тузиш, аниқлаштириш ва сайловларда ундан фойдаланиш тартиби

11

Самарқанд вилоятида бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайлови бўйича бўлиб ўтган қўшма мажлиса сайланган Э.Турдимовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш тўғрисида

18

Тошкент вилоятида бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайловини ўтказиш тўғрисида

19

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҚЎШМА ҖАРОРИ

Худудий тренерлар, туман ва шаҳар тренерлари, шунингдек, сайлов комиссиялари вакилларининг сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимидан фойдаланиш ва уни жорий қилишни амалга ошириш юзасидан ўкувларини ташкил этиш бўйича режа-графикни тасдиқлаш тўғрисида

20

Тошкент вилоятида бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайлови бўйича бўлиб ўтган қўшма мажлисда сайланган Г.Рихсиевани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш тўғрисида

23

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси М.Усмановнинг сенаторлик ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида

24

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ж.Ниязованинг депутатлик ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида

25

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар Дастурини тасдиқлаш тўғрисида

26

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзоси О.Абдуназаров тўғрисида

35

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати С.Отамуратовнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида

36

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси айрим депутатларининг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида

37

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси F.Ибрагимовнинг сенаторлик ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида

38

Н.Йўлдошевни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари рўйхатидан чиқариш тўғрисида

39

Т.Нарбаева ҳамда Э.Баситхановани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари этиб рўйхатга олиш тўғрисида

40

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ
САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ
АЪЗОСИ Э.ТУРДИМОВНИНГ СЕНАТОРЛИК ВАКОЛАТИНИ
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТҮҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Эркинжон Оқбутаевич Турдимовнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгashi депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан унинг сенаторлик ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенатига ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашига юборилсин.
3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 18 январь,
902-сон.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
СЕНАТИ АЪЗОСИ А.ЖЎРАЕВНИНГ СЕНATORЛИК ВАКОЛАТИНИ
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 9-моддадарига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Абдумўмин Суннатович Жўраевнинг халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан унинг сенаторлик ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенатига ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилояти ва Пайариқ тумани Кенгашларига юборилсин.
3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М.АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 18 январь,
903-сон.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ
ҚАРОРИ**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОСИ
САЙЛОВИНИ ҮТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 61-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Самарқанд вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайлови бўйича қўшма мажлиси 2019 йил 25 январь куни соат 14:00да Самарқанд вилояти ҳокимлигининг катта мажлислар залида үтказилсин.
2. Мазкур қарор халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашига ижро учун юборилсин.
3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М.АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 18 январь,
904-сон.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИННИГ КОТИБИЯТИ НИЗОМИ ТҮҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси түғрисида»ги Қонуни 5, 14-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2018 йил 27 декабрдаги 898-сон қарорига асосан Марказий сайлов комиссияси Котибиятининг янги ташкилий-тузилмаси шакллантирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Котибияти низоми янги таҳирда иловага мувофиқ тасдиқлансан.

** илова берилмайди*

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсан.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М.АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 18 январь,
905-сон.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВЧИЛАРНИНГ
ЯГОНА ЭЛЕКТРОН РЎЙХАТИНИ ТУЗИШ, АНИҚЛАШТИРИШ
ВА САЙЛОВЛАРДА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИНИ
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Сайловларни қонун талабларига тўла мос равишда ўтказиш, ягона ҳуқуқ амалиётини қўллаш, шунингдек, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланиши билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муносиб шарт-шароитлар яратиш ҳамда сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5, 9, 10-моддалари, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 32, 33-моддалари ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 29, 30-моддалари шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 4 октябрдаги «Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3961 сон қарори иловасининг 2-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилган «**Ўзбекистон Республикасида Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини тузиш, аниқлаштириш ва сайловларда ундан фойдаланиш тартиби**» иловага асосан тасдиқлансин.

2. «Ўзбекистон Республикасида Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини тузиш, аниқлаштириш ва сайловларда ундан фойдаланиш тартиби» Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Ички ишлар, Ташқи ишлар, Адлия, Мудофаа вазирликларига, Бош прокуратурага, Давлат солиқ ва «Ергеодезкадастр» давлат қўмиталарига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимликларига амалиётда тўғри, тизимли ҳамда самарали ижро этиш учун юборилсин.

3. Марказий сайлов комиссияси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари ҳамда

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳамкорликда 2019 йил:

– 1 мартга қадар сайлов комиссиялари вакиллари (операторлар)ни Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими (бундан буён матнда СЖБАТ деб юритилади) билан ишлашга ўқитиш учун ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси мутахассислари (тренерлар)ни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича (ҳар бир ҳудудга 150 нафардан) белгилаш;

– 1 майга қадар тренерлар ҳақидаги маълумотларни СЖБАТ дастурига киритиш;

– 1 июндан сайлов қонунчилиги ва замонавий ахборот технологиялари бўйича Ўзбекистон Республикаси Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати (бундан буён матнда – СЯЭР деб юритилади) ахборот тизимидан фойдаланиш тартиб-қоидаларини сайлов ташкилотчиларига ва кенг жамоатчиликка тушуништириш мақсадида олимлар, мутахассислар, эксперtlар ва амалиётчилар иштирокида давра сухбатлари, семинар-тренинглар ташкил этиш ишларини амалга оширсинлар.

4. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадио компанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси сайлов жараёни иштирокчиларига сайлов кампаниясининг асосий босқичларини ёритувчи, жумладан, сайловчилар ва сайлов ташкилотчиларини СЯЭРдаги сайловчилар рўйхати билан таништириш, муддатидан олдин ва сайлов куни овоз бериш тартиби бўйича услубий видеоматериаллар ва видеороликлар тайёрлаш бўйича амалий ёрдам кўрсатсинлар.

5. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси
Raиси**

М.АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 1 февраль,
906-сон.*

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2019 йил 1 февралдаги
906-сон қарорига
ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ЯГОНА ЭЛЕКТРОН РЎЙХАТИНИ ТУЗИШ, АНИҚЛАШТИРИШ ВА САЙЛОВЛАРДА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси Сайловчиларининг ягона электрон рўйхатини (бундан буён матнда СЯЭР деб юритилади) шакллантириш, юритиш, янгилаш ва ундан фойдаланиш қоидаларини белгилайди.

1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Тартиб Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 октябрдаги «Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3961 сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Сайловчиларининг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва юритиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 630-сон қарори хамда бошқа норматив ҳуқуқий хужжатлар асосида амалга оширилади.

1.2. СЯЭР Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган, доимий ёки вақтинча турар жойга эга бўлган фуқаролари (бундан буён матнда сайловчи деб юритилади) киритиладиган давлат ахборот ресурси ҳисобланади. Рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб келаётган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилади.

1.3. СЯЭР сайлов жараёнини бошқариш бўйича ахборот тизими (бундан буён матнда СЖБАТ деб юритилади) воситасида шакллантирилади ва унинг таркибига киради.

СЖБАТнинг асосий вазифалари:

- хавфсиз алоқа каналлари бўйича идоравий ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграциялаш орқали СЯЭРни шакллантириш жараёнини автоматлаштириш;
- СЯЭРга тузатиш киритиш имконияти билан сайлов участкалари бўйича сайловчиларни тақсимлаш воситаларини тақдим этиш;
- сайловчиларга ўз сайлов участкаларига оид ахборотлар билан танишишга ва сайлов участкасини ўзгартиришга сўрвнома юбориш имконини бериш;

СЯЭРда сақланадиган маълумотлардан сайловчилар, сайлов ташкилотчи-лари фойдаланиши ва сайлов участкалари бўйича рўйхатларга қўшимча ва тузатишлар киритиш тартибларини белгилашдан иборат.

1.4. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси СЖБАТ ва унинг таркибига киравчи СЯЭРнинг эгаси ҳисобланади.

1.5. Ҳарбий қисмлар жойлашган ҳудудда истиқомат қилувчи харбий хизматчилик, шунингдек уларнинг оила аъзолари ва бошқа сайловчиларнинг рўйхати харбий қисмларнинг командирлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида СЯЭРга киритилади.

1.6. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида, санаторий ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида, фуқароларнинг олис ва бориш қийин бўлган туманлардаги турар жойларида, қамоқда сақлаш жойларида ташкил этилган сайлов участкалари бўйича сайловчилар рўйхати ушбу муассасалар раҳбарлари тақдим этган маълумотлар асосида участка сайлов комиссияси томонидан тузилади. Бу ҳақида СЯЭРга маълумотлар киритилади.

1.7. Ҳар бир сайлов участкасида сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари хузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида ташкил этилган сайлов участкалари бўйича сайловчилар рўйхати ушбу муассасалар раҳбарлари тақдим этган маълумотлар асосида участка сайлов комиссияси томонидан тузилади. Бу ҳақида СЯЭРга маълумотлар киритилади.

2. СЖБАТ оператори

2.1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги СЖБАТ оператори (бундан буён матнда Оператор деб юритилади) ҳисобланади.

Операторнинг асосий вазифалари:

- СЖБАТни яратиш, янада такомиллаштириш ва унга техник хизмат кўрсатиш;
- СЖБАТнинг самарали ва узлуксиз ишлашини таъминлаш;
- СЖБАТни идоравий ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграциялаш;
- СЖБАТнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширишдан иборат.

3. СЯЭРни шакллантириш тартиби

3.1. СЯЭР Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази (бундан буён матнда ДПМ деб юритилади) томонидан ушбу Тартибнинг 1.2-бандига мувофиқ тақдим этиладиган сайловчилар тўғрисидаги маълумотлар ҳисобланади.

3.2. СЯЭР сайловлар даврида сайловчилар рўйхатларини аниқлаштириш орқали сайлов комиссиялари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида ўзгартирилади ва янгилаб борилади.

3.3. СЯЭР бир йилда бир марта, (*февраль ва март ойларида*) сайловлар даврида эса Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда МСК деб юритилади) томонидан ДПМ ва Оператор билан келишилган ҳолда сайловлардан 90 кун олдин қўшимча тарзда янгиланади.

3.4. Қуйидаги давлат органлари (бундан буён матнда ваколатли органлар деб юритилади) ДПМга тегишли электрон шаклдаги маълумотларни тақдим этади:

а) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

- фуқароларнинг доимий ёки вақтинча яшаш манзили тўғрисидаги;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган ва фуқаролиги белгиланган тартибда тутатилган шахслар тўғрисидаги;
- жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган маҳкумлар тўғрисида;
- жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахслар;
- вазирлик тизимидағи таълим муассасаларида таълим олаётган фуқаролар тўғрисидаги;
- муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ва вазирлик тизими ҳарбий қисмларидаги фуқаролар тўғрисидаги.

б) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

- фуқароларнинг туғилиши ва ўлимини рўйхатга олиш тўғрисидаги.

в) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

- вазирлик тизимидағи ҳарбий таълим муассасаларида таълим олаётган фуқаролар тўғрисидаги;
- муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ва ҳарбий қисмлардаги фуқаролар тўғрисидаги.

г) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

- консуллик реестрига кирган республикадан ташқарида яшовчи сайловчилар тўғрисидаги маълумотлар тегишли дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари раҳбарлари томонидан тузилади ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали Операторга маълумотларни электрон шаклда тақдим этадилар.

3.5. Масъул идоралар ушбу Тартибнинг 3.5-бандига мувофиқ ДПМга жисмоний шахснинг идентификация рақамини (у мавжуд бўлмаганда – Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортининг серия ва рақамини), фамилияси, исми ва отасининг исмини кўрсатган ҳолда, фуқароларнинг яшаш жойи (хорижий давлатлар ва Ўзбекистон Республикаси худудлари) тўғрисидаги маълумотларни ДПМ ва Оператор билан келишиб, маълумотлар электрон шаклда тақдим этилади.

4. ДПМнинг ваколат ва вазифалари

4.1. Тартибнинг 3.5–3.6 бандларига мувофиқ ваколатли органлардан фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни олиш.

4.2. Ваколатли органлардан келган маълумотни идентификациялаш.

4.3. Тартибнинг 4.4-бандига мувофиқ сайловчилар тўғрисидаги маълумотларни электрон шаклда Операторга тақдим этиш.

4.4. СЯЭРни янгилаш мақсадида Операторга сайловчилар тўғрисидаги маълумотларни рўйхат ва жадвал асосида қўйидагиларни кўрсатган ҳолда электрон шаклда:

- жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини (мавжуд бўлганда);
- Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти серияси ва рақамини;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортида ўзбек ва инглиз тилларида акс этган фамилияси, исми ва отасининг исмини;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти бўйича туғилган санасини (кун, ой, йил);
- Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг яшаш жойи манзилларини cadastr рақамларига мувофиқ ҳолда тақдим этиш.

5. СЯЭРдан фойдаланиш тартиби

5.1. Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар, округ ва участка сайлов комиссиялари СЖБАТдаги тегишли худуд бўйича СЯЭРдан фойдаланиш имкониятига эгадирлар.

5.2. МСК ва тегишли сайлов комиссияларининг СЖБАТдан фойдаланиш имкониятлари «Электрон ҳукумат» тизимининг маълумотлар узатиш тармоғи орқали амалга оширилади.

5.3. СЖБАТда тегишли сайлов комиссияси аъзоси ёки масъул ходимлари идентификация ахборот тизими орқали фойдаланадилар (*СЯЭРда сайловчиларни аниқлаш, лозим ҳолда маълумотларга ўзгартириши ёки қўшимча киритши, сайловчилар рўйхатини қоғозга чоп этиши*).

5.4. Сайлов участкалари тўғрисидаги маълумотларни СЖБАТга киритиш, уларнинг чегаралари доирасида қўчаларни ва уйларни белгилаш ҳамда сай-

ловчиларнинг умумий рўйхатини сайлов участкаларига автоматик равишда тақсимлаш Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоятлар, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари хузурида ташкил этилган ишчи гурӯҳ томонидан сайловлардан 75 қун олдин амалга оширилади.

5.5. Ишчи гурӯҳ таркиби тегишли сайлов комиссияси аъзолари, ҳокимият, ички ишлар, прокуратура, «Ермулккадастр» ҳамда солиқ инспекцияси вакилларидан иборат бўлади.

5.6. Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари хузурида ташкил этилган ишчи гурӯҳларига участка сайлов комиссияси томонидан тегишли ҳудудда яшовчи сайловчилар тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилигини хонадонма-хонадон айланиб чиқиши жараёнида аниқланган сайловчилар рўйхатидаги камчиликларни, ноаниқликларни баратараф этиш учун СЯЭРга ўзгартириш киритиш ва уни юклаб олиш имконияти яратилади.

5.7. СЯЭРга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш сайловлардан 15 қун олдин бошланади ва 3 қун олдин тўхтатилади.

5.8. Сайловчилар рўйхатида хато ва ноаниқликлар аниқланган тақдирда ҳар бир фуқаро тегишли сайлов комиссиясига мурожаат этишга ҳақли. Сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатига киритилмаганлиги, нотўғри киритилганлиги ёки рўйхатдан чиқариб ташланиши, шунингдек, рўйхатда сайловчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилишида йўл қўйилган ноаниқликлар устидан қофозли ёзма ва электрон ёзма шикоятларни ўрганиб чиқиб, ўзгартирилиши лозим бўлган сайловчилар ҳақидаги маълумотларни Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари хузурида ташкил этилган ишчи гурӯхига тақдим этадилар.

5.9. Муддатидан олдин овоз берган сайловчилар ҳақидаги маълумотларни СЖБАТга киритиш участка сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилади.

5.10. Сайловлардан 3 қун олдин Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоят ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари ҳудудий ҳокимликлар ёрдамида сайловчилар рўйхатини хато ва ноаниқликларни бартараф этган ҳолда чоп этади ва участка сайлов комиссияларига етказилишини таъминлайдилар.

6. Сайловчилар рўйхати бўйича юзага келган низоларни ҳал қилиш

6.1. Фуқаролар сайловчилар рўйхати билан участка сайлов комиссиясининг биносида ва Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида танишишлари мумкин.

6.2. Тегишли сайлов комиссияси сайловчи томонидан келиб тушган сайловчилар рўйхатидаги хато ва ноаниқликлар бўйича мурожаатни ўрганиб чиқади. Улар:

- фуқарони сайловчилар рўйхатига киритиш;
- фуқарони сайловчилар рўйхатидан чиқариш;
- сайловчилар рўйхатига тузатиш киритиш;
- сайловчилар рўйхатини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

6.3. Сайловчилар рўйхатига киритиш учун асослар:

- сайловчининг тегишли сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча яшashi;
- ёши 18 га тўлганлиги.

6.4. Сайловчилар рўйхатидан чиқариш учун асослар:

- участка сайлов комиссиясининг мазкур участка ҳудудида вақтинча яшовчи фуқарони сайловчилар рўйхатига киритиш ва ушбу фуқарони унинг доимий яшаш жойи бўйича сайловчилар рўйхатидан чиқариб ташлаш зарурати бўлса;
- сайловчининг бошқа доимий ёки вақтинча яшаш жойига жўнаб кетиши ва овоз бериш куни сайлов участкаси ҳудудида унинг ҳозир бўлмаслиги.

6.5. Сайловчилар рўйхатига тузатишлар киритиш учун асослар:

- сайловчи фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарганда ёки хатолик аниқланганда;
- сайловчилар рўйхатида мавжуд бўлган бошқа ноаниқликлар ёки хатолар.

7. СЯЭР орқали сайловларда қатнашиш

7.1. Сайловчи участка сайлов комиссияси аъзосига Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортини кўрсатгач, комиссия аъзоси томонидан СЯЭР электрон дастуридан фойдаланган ҳолда, сайловчи у ёки бу сайлов участкасида тегишлилигини ҳамда ушбу сайлов участкасида рўйхатда бор ёки йўқлигини аниқлади. (*Ушибу вазифани амалга ошириши учун участка сайлов комиссиясида СЯЭР электрон дастури талабларига жавоб берувчи камида иккита компьютер бўлиши керак ва бунда участка сайлов комиссиясига ёрдам берувчи операторлар, техник ходимлардан ҳам фойдаланиши мумкин*).

7.2. Аниқлик киритилгач, агар сайловчи ушбу сайлов участкасида тегишли бўлса, уни дастурда белгилаб, сайловчига овоз бериш мумкинлигини тушуниради. Сайловчи участка сайлов комиссияси азосидан бюллетен олишидан олдин сайловчилар рўйхатига имзо қўяди ҳамда сайлов бюллетенини овоз бериш учун олади.

7.3. Саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмайдиган сайловчи томонидан келиб тушган мурожаат ўрганиб чиқилади ва СЯЭР электрон дастури орқали аниқлик киритилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг тегишли нормалари га мувофиқ, айрим сайловчиларнинг саломатлиги яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда участка сайлов комиссияси уларнинг илтимосига кўра комиссиянинг камида икки аъзоси иштирокида ушбу сайловчилар турган жойда овоз беришни ташкил этади, шундан сўнг, участка сайлов комиссияси аъзолари сайловчининг овоз берганлиги ҳақида СЯЭР электрон дастурида қайд этадилар.

8. Якуний қоидалар

8.1. Мазкур тартибга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлар МСК мажлисида кўриб чиқилади.

8.2. Ўзбекистон Республикасида Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини тузиш, аниқлаштириш ва сайловларда ундан фойдаланиш тартиби қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ
ҚАРОРИ**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
СЕНАТИ АЪЗОСИ САЙЛОВИ БЎЙИЧА БЎЛИБ ЎТГАН ҚЎШМА
МАЖЛИСДА САЙЛАНГАН Э.ТУРДИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОСИ
ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58, 61-моддаларига ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Самарқанд вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайлови бўйича 2019 йил 25 январь куни ўtkазилган қўшма мажлиси баённомасига асосан Эркинжон Оқбўтаевич Турдимов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашига юборилсин.
3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М.АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 1 февраль,
907-сон.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ
ҚАРОРИ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА БўШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ СЕНАТИ АЪЗОСИ
САЙЛОВИНИ ҮТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 61-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тошкент вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайлови бўйича қўшма мажлиси 2019 йил 16 февраль куни соат 10:00да Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгарлар» маданият саройи биносида үтказилсин.
- 2 Мазкур қарор ҳалқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига ижро учун юборилсин.
3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М.АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 12 февраль,
908-сон.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҚҮШМА ҚАРОРИ

**ХУДУДИЙ ТРЕНЕРЛАР, ТУМАН ВА ШАҲАР ТРЕНЕРЛАРИ,
ШУНИНГДЕК, САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ
САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШ АХБОРОТ ТИЗИМИДАН
ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ
ЮЗАСИДАН ЎҚУВЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА
РЕЖА-ГРАФИКНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 октябрдаги «Сайлов жараёнига замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3961-сон қарори билан тасдиқланган Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини ижро этиш, шунингдек, Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими (бундан бўён матнда СЖБАТ деб юритилади) билан ишлашни ўргатувчи ҳудудий тренерларни тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ҳудудий тренерлар, туман ва шаҳар тренерлари, шунингдек, сайлов комиссиялари вакилларининг СЖБАТдан фойдаланиш ва уни жорий қилишни амалга ошириш юзасидан ўқувларини ташкил этиш бўйича режа-график иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари Қоралпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

- 2019 йил 1 марта қадар сайлов комиссиялари вакилларини (*СЖБАТ операторларини*) СЖБАТ билан ишлашга ўқитиш учун ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси мутахассисларини (*тренерларини*) минтақалар бўйича белгилаш (*ҳар бир вилоят учун 150 нафар*);
- 2019 йил 1 майга қадар тренерлар ҳақидаги маълумотларни СЖБАТга киритишни амалга оширсинглар.

3. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазириги 2019 йил 1 июлга қадар ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси мутахассислари (*тренерлари*)ни СЖБАТ билан ишлашга ўқитиш ишларининг амалга оширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига:

– 2019 йил 20 марта қадар округ ва участка сайлов комиссиялари (*ОСК, УСК*), уларнинг аъзолари, шунингдек, сайлов комиссияси аъзолигига номзодлари ҳақидаги маълумотни киритиш бўйича камида 10 та компьютер ажратилган ва узлуксиз интернет тармоғига уланган штаблар ташкил этиш;

– 2019 йил 1 майга қадар Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги сўровига биноан сайлов комиссиялари вакилларини СЖБАТ билан ишлашга ўқитиш учун керакли хоналар ва компьютер жихозлари билан таъминлаш вазифалари топширилсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси М.Абдусаломов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси Раиси**

М.АБДУСАЛОМОВ

**Ўзбекистон Республикаси
Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири**

Ш.САДИКОВ

**Ўзбекистон Республикаси Олий
ва ўрта маҳсус таълим вазири**

И.МАДЖИДОВ

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 12 февраль,
909-сон.*

**Худудий тренерлар, туман ва шахар тренерлари, шунингдек, сайлов комиссиялари вакилларининг
СЖБАТдан фойдаланиш ва уни жорий қилишини амалга ошириш юзасидан ўкувларини ташкил этиши бўйича**

РЕЖА-ГРАФИГИ

Тадбир номи	Масбул ижрочилар	2019 й. февраль			2019 й. март			2019 й. апрель			2019 й. маюнь			2019 й. июль			2019 й. август			2019 й. сентябрь			2019 й. октябрь			2019 й. ноябрь			2019 й. декабрь		
		1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3
ОСК, УСК, Уларнинг авзодлари, шунингдек СЖБАТ операторлари хакида маълумот киритни тизимини ишлаб чиқни	АКТ вазирлиги, ДУК UNICON.UZ, МСК																														
ОСК, УСК, Уларнинг авзодлари, СЖБАТ операторлари хакида маълумотларни киритни бўйича штаблар ташкил этиладини	Жойбандари давлат хоҳимияти органлари, АКТ вазирлиги, МСК																														
ОСК, УСК, Уларнинг авзодлари , СЖБАТ операторлари хакида маълумотларни киритни	Жойбандари давлат хоҳимияти органлари, АКТ вазирлиги																														
Ўкув-услубий материаллар, видеокурслар ва бошقا ўкув маҳаллолтарни таъйидалар	АКТ вазирлиги, ДУК UNICON.UZ, МСК																														
Ахборот-коммуникация технолохијиарни соҳаси мутахассисларни вилюят гесмида таъёрлаш (хар бир вилоядга 150 нафар)	АКТ вазирлиги, ДУК UNICON.UZ, ОУМТВ																														
Тренерлар аттестациядан ўтказиш	АКТ вазирлиги, ДУК UNICON.UZ, ОУМТВ																														
Тренерлар томонидан СЖБАТ операторларини ўтишин (хар бир УСК учун 6 нафардан, жами 60 000)	Жойбандари давлат хоҳимияти органлари, АКТ вазирлиги, МСК																														
Сайлов жарёйини босқариш ахборот тизимини операторларининг битимини текшириш	АКТ вазирлиги, ДУК UNICON.UZ, ОУМТВ																														
СЖБАТ ўриниш ва операторларини ишлаб чиқуватдан марказини ташкил этиши ва ишга тушириш(sall-center)	АКТ вазирлиги, МСК																														
Тренерлар ва операторларининг сайлов участкаларидаги фаoliyati	АКТ вазирлиги, МСК																														

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ
ҚАРОРИ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ
АЪЗОСИ САЙЛОВИ БЎЙИЧА БЎЛИБ ЎТГАН ҚЎШМА МАЖЛИСДА
САЙЛАНГАН Г.РИХСИЕВАНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОСИ ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ
ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58, 61-моддаларига ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тошкент вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайлови бўйича 2019 йил 16 февраль куни ўtkазилган қўшма мажлиси баённомасига асосан Гулчехра Шовкатовна Рихсиева Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига юборилсин.
3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М.АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 19 февраль,
910-сон.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ СЕНАТИ
АЪЗОСИ М.УСМАНОВНИНГ СЕНАТОРЛИК ВАКОЛАТИНИ
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ
ТҮҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддадарига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоларини тайинлаш түғрисида»ги 2015 йил 20 январдаги ПФ-4698-сон Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб тайинланган Мираброр Зуфарович Усманов вафот этганлиги муносабати билан унинг сенаторлик ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилсин.
3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М.АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 3 апрель,
911-сон.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ Ж.НИЯЗОВАНИНГ
ДЕПУТАТЛИК ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ
ТҮҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддалари га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 8-Ақманғит сайлов округидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати Жамиля Абдуқадировна Ниязова вафот этганлиги муносабати билан унинг депутатлик ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига юборилсин.
3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М.АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 3 апрель,
912-сон.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ
ҚАРОРИ**

**2019 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ
САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ
ТАДБИРЛАР ДАСТУРИНИ ТАСДИҚЛАШ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига мувофиқ 2019 йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига умумхалқ сайловлари бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 22 декабря Олий Мажлисга Мурожаатномасида «...2019 йилда ҳокимиятнинг вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш бўйича тадбирлар дастурини ишлаб чиқишга ҳозирдан киришиш керак. Дастурда мазкур сиёсий жараён янада ошкоралик руҳида ўтишини таъминлайдиган янги, илғор амалиётни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш зарур», деб таъкидлаган эди.

Мамлакатимизда сайлов тизимини ислоҳ қилиш, уни янада демократлаштириш, халқаро андоза ҳамда принципларга мослаштириш, фуқароларга қулайлик ва эркинлик яратиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида қонунийликни таъминлаш орқали сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Шу мақсадда, сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни сайлов комиссиялари томонидан очик ва ошкора амалга оширилиши, сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга ўз сайловолди дастурларини жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратиб берилиши, сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг тартиб-тамилларини кенг халқ оммасига тушунтириш, аҳолининг сайлов жараёнидан хабардорлигини оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларининг йўлга қўйилаётганлиги, мамлакатимизда аёлларнинг сайлов жараёнидаги иштирокини фаоллаштириш учун Ўзбекистон қонун хужжатларида сиёсий партиялардан номзод кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизлик гендер квотаси белгиланганлиги ҳамда сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ҳам

мамлакатимиз сайлов тизимиининг демократик принциплар асосида ташкил этилишига ўз хиссасини қўшади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқсан ҳолда сайлов қонунчилиги ва амалиётини такомиллаштириш ишлари амалга оширилди. Бу соҳада халқаро ташкилотлар ва эксперталарнинг хulosалари олинди.

Сайлов жараёнларига ахборот коммуникация технологияларини жорий қилиш бўйича хорижий тажриба ҳам батафсил ўрганилиб, ривожланган демократик давлатларнинг сайлов қонунчилиги ва амалиёти хусусан, 20 дан зиёд нафақат Ғарбий Европа, балки Шарқий Осиё ва МДҲ мамлакатларининг тажрибаси ҳам таҳлил қилинди. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Венеция комиссияси, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги, Бутунжаҳон Сайлов Органлари Ассоциацияси ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тавсиялари эътиборга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 октябрдаги «Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3961-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини жорий этиш, сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини яратиш ва улардан фойдаланишда идоралараро ўзаро ҳамкорликни белгилашга доир тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4004-сон қарорида Марказий сайлов комиссиясининг асосий йўналишлари, мақоми ва структураси белгиланиб, Марказий сайлов комиссияси таркибида сайлов қонунчилиги ва замонавий ахборот технологиялари бўйича Ўқув маркази ҳамда Ахборот технологиялари билан ишлаш бўлими ташкил этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларга ҳамоҳанг равища фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, маданияти, дунёқараши юксалиб бормоқда. Конун ижодкорлиги ишлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти даражасини, сиёсий партиялар, депутатларнинг дастурий мақсадлари ва амалий фаолиятини баҳолашда сайловчиларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, талабчанлиги тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 2019 йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларга

тайёргарликни қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда халқаро стандартларга мувофиқ равишда, уюшқоқлик билан ташкил этиш ва уни ўтказиш, шунингдек, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланиши билан боғлиқ конституциявий хуқукларини рўёбга чиқариш, сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти органларини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-га сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунлари ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5, 9, 10-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 2019 йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик кўриш бўйича **асосий тадбирлар Дастури** иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Белгилаб қўйилсинки, сайловга тайёргарлик кўриш бўйича барча ишлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, жойлардаги сайлов комиссиялари, вазирлик ва идоралар, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари томонидан сайлов тўғрисидаги қонунчилик ҳамда ушбу қарор билан тасдиқланган Дастурга мувофиқ равишда амалга оширилади.

2. Бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш даврида қўйидагилар асосий вазифалар этиб эътироф этилсин:

– сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг қоидаларини сайловчиларга кенг тушунтириш, сайловчиларнинг бўлажак сайловга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўриши ва аҳолининг сайлов жараёнидан хабардорлигини ошириш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишларини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратиш;

– сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга ўз сайловолди дастурларининг қоидаларини, мамлакатни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир нуқтаи назарларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва teng имкониятлар яратиб бериш;

– сайлов кампаниясида ёшлар ва хотин-қизларнинг фаол иштирок этиши, уларнинг электорал фаоллигини, сиёсий ва хуқуқий маданиятини ошириш;

- сайлов жараёни барча ташкилотчиларининг сайловларнинг ташкилий-хуқуқий асослари, сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ҳамда сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича кўникмаларини шакллантириш;
- сайлов кампаниясининг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонунчилик талабларига оғишмай риоя қилинишини таъминлаш. Энг аввало, сиёсий партиялар, сайловга тайёгарлик кўриш ва уни ўтказишда иштирок этадиган барча ташкилий тузилмалар ўртасида қонунчилик меъёрларига қатъий амал қилиш зарурати хусусида тушунтириш ишларини олиб бориш;
- амалдаги қонунчиликнинг сайлов кампаниясини ўтказишда факат сайлов комиссиялари асосий ташкилотчи ҳисобланиши тўғрисидаги қоидасини изчил ва сўзсиз амалга ошириш, сайлов кампанияси жараёнига аралашиб, қонун талабларини четлаб ўтиш, бузиш мақсадида қилинган ҳар қандай уринишлар, аниқланган «ҳомийлик» ҳолатларига нисбатан қонунчиликка мувофиқ чоралар кўриш ва айборларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш.

3. Марказий сайлов комиссияси Котибияти раҳбари С.Курбанкуловга Дастурда белгиланган барча тадбирларнинг ҳар бир банди бўйича алоҳида ижро-чи белгилаб, ижросини таъминлаш чораларини кўриш ва натижаларига кўра Марказий сайлов комиссияси мажлисларида ахборот бериб бориш топширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирларлири, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргалиқда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3961-сон қарорига мувофиқ ўтказилган хатлов натижалари бўйича тайёрланган сайловчиларнинг дастлабки рўйхатини аниқлаштириш ишларини якунлаб, Марказий сайлов комиссиясига 2019 йилнинг 1 июль кунига қадар ахборот тақдим этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда икки ҳафталик муддатда сайлов қонунчилигига оид ҳуқуқий саводхонликни ошириш ва қонунчиликдаги янгиликларни ижрочилар ва ахолининг кенг қатламига етказиш бўйича чора-тадбирлар Дастурини ишлаб чиқсин.

6. Мазкур қарор ва у билан тасдиқланган «2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кен-

гашлари сайловига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар Дастури» Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари, тегишли мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамда оммавий ахборот воситаларига юборилсин.

Юқорида қайд этиб ўтилган ташкилот ва идоралар Дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши юзасидан Марказий сайлов комиссиясига ҳар ой якунига қўра, кейинги ойнинг **5-санасига қадар ахборот бериб борсин.**

7. Ушбу Қарорнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринbosари Г.Рахимова зиммасига юклатилсин.

Марказий сайлов комиссияси

Раиси

М.АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 27 май,
913-сон.*

**2019 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ
ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРИК КЎРИШ БҮЙИЧА
АСОССИЙ ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

№	Тадбирлар	Ижро этиши муддати	Масъул ижрочилар
I. Сайловларга тайёргарлик кўрничи ташкилий-хукукий жиҳатдан таъминлаш			
1.	Сайлов жараёни иштирокчиларига сайлов конунчилгининг асосий коидаларини тушунтириш, сайловчиларнинг электорал маданийтини ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш.	июнь-декабрь	Марказий сайлов комиссияси, Адлия вазирлиги, сиёсий партиялар, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва бошقا ОАВ
2.	Вазирлик ва идоралар, хокимиyиялар хамда жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари билан сайлов округлари ва участкаларини тузиш, оқруп. Участка сайлов комиссиялари таркибига номзодларни тантаз ва улар ишини ташкил этиш механизmlари бўйича семинарлар ўтказиш.	июль-август	МСК, Фуқаролик жамият шаклланishiни мониторинг килиш мустакил институти, Давлат бошкабуви ақадемияси, Коракалпогистон Республикаси Жўккорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Гашкент шахар Кенгашлари
3.	Журналистлар учун сайлов жараёнини ёритишга оид ўқув-танишигитирув тренингларини ўтказиш.	сентябрь	Журналистлар малакасини ошириш маркази
4.	Сайлов конунчиларида янгиликлар хамда халқаро мебър ва стандартларни сайловчилар ва сайлов ташкилотчиларига етказиш учун халқаро ташкилотларни ташкил этиш билан хамкорликда тадбирлар(семинарлар, ўқув машғулотлари)ни ташкил этиш ва ўтказиш.	август-декабрь	МСК, ТИВ, МТРК, Фуқаролик жамият шаклланishiни мониторинг килиш мустакил институти
5.	Бўлажак сайловларнинг моҳияти ва аҳамияти, сайлов кампаниясининг босқичлари ва асосий вазифалари, овоз бериш тартиби, участка сайлов комиссияси фраолигита багишланган видеоматериаллар, телевидорликларни тайёрлаш ва намойиш этиш.	август-декабрь	МСК, МТРК, Фуқаролик жамият шаклланishiни мониторинг килиш мустакил институти, сиёсий партиялар
6.	Сайлов хужжатлари лойихалари (сайлов комиссиялари баённомаларининг шакли ва намуналари, сайлов бюллетенлари, муҳрлар ва штамплар эскизлари, сайлов куттилари, кабинатлар ва х.к.), плакатлар, баннерлар (сайлов санаси, мазмун-моҳияти тўрисида х.к.) ва бошقا босма маҳсулотларни ўзбек, рус ва коракалпок тилиларида тайёрлаш.	август-сентябрь	МСК, вилоят,туман, шахар ва округ сайлов комиссиялари
7.	Марказий сайлов комиссиясининг сайлов жараёнини тартибга солувчи меърий ионь-сентябрь		МСК, Адлия вазирлиги
хужжатларини амалдан конунчиликка мувофиқлаштириш.			

8.	Марказий сайлов комиссиясининг низом ва йўрикномалари, сайлов конунчилиги тўпганини ўзбек, рус, ва коракалпок тилларида тайёрлаш ва чоп этиш.	июль-ноябрь	МСК, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
9.	Хорижий давлатгар, халқаро ташкилотлар кузатувнлари, чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ахборот-таклий буклетларни нашрага тайёрлаш ва тарканиш.	июль-ноябрь	Вазирлар Махкамаси, МСК, Иктисолиёт вазирлиги, ТИВ, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
II. Сайлов округлари, сайлов участкалари ва сайлов комиссияларини гузинш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш билан боглиқ тайёргарлик ишлари			
10.	Конунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари, шунингдек, халқ депутатлари махаллий Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолигига номзодларни танлаш ва тасдиқлаш.	июнь-октябрь	МСК, КР Жўжкорги Кенгеси, вилоятлар, Тошкент шахар, туман ва шахар халқ депутатлари Кенгашлари
11.	Халқ депутатлари махаллий Кенгашларига сайлов ўтказувчи вилоят, туман ва шахар сайлов комиссиялари таркибини кайта кўриб чикиш.	июнь-август	Халқ депутатлари вилоят, туман ва шахар Кенгашлари
12.	Олий Мажлис Конунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 150 та сайлов округлари чегараларини худудларнинг маъмурлий-хуудудий тузилишини инобатга олган холда белгилаш ва уларни очик электрон харитада акс этириш.	июнь-июль	Ергодезкаластрум, МСК, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривоҷлантириш вазирлиги, КР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шахар хокимликлари
13.	Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтини модернизация килиш, унинг мобиль иловасини, сайловчиларнинг электрон кутубхонасига яратиш, Марказий сайлов комиссиясини округ сайлов комиссиялари билан ботгловчи ягона компьютер гармонининг дастурий таъминотини ишлаб чикиш.	июнь-август	МСК, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривоҷлантириш вазирлиги
14.	Вилоят, туман, шахар сайлов комиссиялари, округ ва участка сайлов комиссиялари жойлашадиган биноларни аникаш, уларни таъмирлаш, уларга олиб борувчи ўзуллар сифатини яхшилаш, атрофирни ободлонлантириш, узуккис электр энергияси билан таъминлаш, уларни тегишли сайлов атрибутикалари ва жихозлар (кабиналар, кутилар, байроқлар, стендлар, мебель, алока воситалари,офис ускуналари), транспорт, интернет алоқаси ва компьютер техникалари билан таъминлаш учун инвентаризацидан ўтказиш ва харид килиш.	июнь-август	КР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шахар хокимликлари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривоҷлантириш вазирлиги
15.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловлага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча боскичларини тизимили ёритиб бориш, сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг ўз сайловодди дастурлари, уларга акс этган мамлакат ривоҷланшигининг муҳим ижтимой-сиёсий, изтимомий-иктисодий масалалари бўйича мустакил нуқтани назарини сайловчиликтарга, жамоатчиликка етказиш ва ОАВдан фойдаланинчда кенг ва тенг имкониятлар яратиш максадида Марказий сайлов комиссияси хамда Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги ва Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси билан иккى томонлама келишибув байномаларини тузиш.	июль-ноябрь	МСК, МТРК, ЎЗА, “Дунё” АА, ЎЗЭОАВМА, ТИВ

16.	Сайлов комиссиялари аъзолигига номзодларни сайлов конунчилитига мувофик сайловларни ташкил этиши ва ўтказиш тартиби, шу жумладан, сайлов жараёнини бошкаришда Ахборот тизимидан фойдаланиш бўйича ўтиши ва сертификат беришга карагатилган комплекс чора тадбирларни амалга ошириш.	июнь-декабрь	МСК, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, КР Вазирлар Конганиши, вилоятлар ва Ташкент шаҳар хокимликлари
17.	Республика ва худудий мағбутоуг марказларни учун бинолар ташлаш, уларни алока воситалари ва орттехника билан таъминлаш.	август-сентябрь	Вазирлар Махкамаси, МСК, Коракалпоғистон Республикаси Вазирлар Конганиши, вилоятлар ва Ташкент шаҳар хокимликлари
III. Сайловчиликарниң электрорал фаоллигини ошириши			
18.	Чет элларнинг олис худудларидаги яшаётган Ўзбекистон фукароларининг сайловла катнашиши имконини инобатга олган холда хориждаги дипломатик ваколатхоналарда ва консульлик муассасасаларидаги сайлов участкаларини тушиб бўйича тайёргарлик ишларини кўриш.	август-сентябрь	МСК, ТИВ
19.	Жамоатчиларни сайлов конунчилитиги хакида кенг хабардор килиш, фукароларнинг сайлов хукуқлари кафолатларини таъминлашни назарда тувичи ахолининг сайлов маданийтини оширишга карагитган 2019 йилга белгиланган дастур ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	май-декабрь	Адлия вазирлиги, МСК, Олий Мажлис палаталари, МТРК, ўзА ва бошқа ОАВ
20.	Ахолини овоз берини тартиб-тамойиллари, овоз берини куни, сайловчиликар рўйхати билан танишишда АҚГдан фойдаланишдан хабардор килишга карагитган ахборот материалларини ишлаб чиқиш.	июнь-сентябрь	МСК, Адлия вазирлиги, МТРК ва башка ОАВ
21.	Ўзбекистон Республикасининг хорижлаги дипломатик ваколатхоналари ва консульлик муассасалари томонидан миллий сайлов тизимини демократлаштириш жараёнини очиб берини ва чет эт жамоатчилитиги Эътиборига етказишга багишланган брифинлар, давра сурхагларни, хорижий ОАВларда чиқишлар ўтказиш бўйича Дастур ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	август-декабрь	ТИВ, МСК
IV. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати (СЯЭР)ни шакллантириши, улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириши ва сайловчиларнинг рўйхатини тузиш			
22.	Фукаролар ва уларнинг яшаш манзиллари тўғрисидаги хакиқий ва тўлиқ электрон маълумотлар базасини шакллантириш.	июль-август	ИИБ, «Ергеодездаструм», Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Коракалпоғистон Республикаси Вазирлар Конганиши, вилоятлар ва Ташкент шаҳар хокимликлари
23.	Сайловчиларнинг шакллантирилган ягона электрон рўйхатидаги маълумотларни аниклаштириш бўйича тадбирлар утказиш.	август-сентябрь	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Давлат персоналлаштириши маркази, ИИБ, «Ергеодездаструм», ТИВ, Адлия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги

Давоми

24.	Сайлов участкаларининг электрон базасини уларнинг чегаралари белгиланган холда яратиш ва сайловчиликнинг ягона электрон рўйхатига кирган барча сайловчиларни ушбу участкаларга биринктириши ишларини якунлаш.	1 сентябргача	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазириши, «Ергөдезқадастркўм», Давлат персоналшитириси маркази, КР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимликлари
25.	Сайловчиликнинг ягона электрон рўйхати билан ишлайдиган ходимлар учун ўкув курслари ташкил этили.	июнь-ноябрь	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазириги, КР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимликлари, вазирлик ва идоралар
26.	Сайловчиликнинг ягона электрон рўйхатидан фойдаланиши ишларини мувоффиклантитириш бўйича республика мікёслид ва худудларда штаблар ишини йўлга кўйинш максадида чора-тадбирларни ишлаб чикиш ва амалга ошириши.	июль-сентябрь	МСК, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазириги, ИИВ, «Ергөдезқадастркўм», Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирилиги, КР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимликлари, вазирлик ва идоралар
27.	Хар бир сайлов округи ва сайлов участкасини сайловчиликнинг ягона электрон рўйхатини бошвариш учун интернет гармонига уланган камидаги замонавий компьютер билан жиҳозлаш.	сентябрь	КР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимликлари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириши вазирилиги, «Ўзбектелеком» АҚ вазирлик ва идоралар
V. Боника тадирилар			
28.	Сайлов кампаниясини молиялаштириш бўйича харажатлар сметаси лойихасини тайёрлаш. Молия вазирилиги билан келинини ва Марказий сайлов комиссияси карори билан тасдиқлаш.	сентябрга кадар	Молия вазирилиги, МСК
29.	Олий Мажлис Конунчилик палагаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича календар-режани ишлаб чикиш.	1 сентябрга кадар	МСК

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИННИГ ДОИМИЙ АСОСДА ИШЛОВЧИ АЪЗОСИ
О.АБДУНАЗАРОВ ТҮҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 3, 4, 5, 6, 7-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2014 йил 3 апрелдаги 890-П-сон ҳамда Сенатининг 2014 йил 10 апрелдаги СҚ-423-П-сон қарорларига асосан Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси этиб сайланган ҳамда Комиссиянинг 2014 йил 17 апрелдаги 599-сон қарори билан доимий асосда ишлашга жалб қилинган Абдуназаров Олимжон Тоштемирович бевақт вафот этганлиги сабабли Комиссия аъзолари таркибидан чиқарилган деб ҳисоблансин.

2. Марказий сайлов комиссияси Котибияти раҳбари (С.Курбанқулов) О.Абдуназаровнинг бевақт вафот этганлиги сабабли Комиссия аъзолари таркибидан чиқарилганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун тақдимнома тайёрласин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М.АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 27 май,
916-сон.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ С.ОТАМУРАТОВНИНГ
ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ
ТҮҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 9-моддадарига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 108-Ҳазорасп сайлов округидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати Сарвар Садуллаевич Отамуратовнинг депутатлик ваколати берган ёзма аризасига биноан муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансан.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ва халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашига юборилсан.
3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсан.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М.АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 27 май,
917-сон.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ АЙРИМ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ
ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ
ТҮҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 9-моддадарига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 11-Бўз сайлов округидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутати Хатамжон Абдурахмонович Кетмоновнинг ҳамда 52-Булунғур сайлов округидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутати Сахобиддин Жиянбоевич Арзикуловнинг депутатлик ваколатлари берган ёзма аризалирига биноан муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳамда халқ депутатлари Андижон ва Самарқанд вилоят Кенгашларига юборилсин.
3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М.АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 12 июнь,
918-сон.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
СЕНАТИ АЪЗОСИ Ғ.ИБРАГИМОВНИНГ СЕНATORЛИК
ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ
ТҮҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси Ғуломжон Иномович Ибрагимов соғлиғига кўра ўз хоҳиши билан Сенат аъзолигидан чиқариш түғрисидаги берган ёзма аризасига мувофиқ унинг сенаторлик ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига юборилсин.
3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М.АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 19 июнь,
919-сон.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ
ҚАРОРИ**

**Н.ЙЎЛДОШЕВНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ
АЪЗОЛАРИ РЎЙХАТИДАН ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 9-моддадарига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 июнданги ПФ–5747-сон Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Нифматилла Тўлқинович Йўлдошевнинг ваколати муддатидан аввал тугатилганлиги сабабли, уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари рўйхатидан чиқарилган деб ҳисоблансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига юборилсин.
3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М.АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 20 июнь,
920-сон.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ
ҚАРОРИ**

**Т.НАРБАЕВА ҲАМДА Э.БАСИТХАНОВАНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
СЕНАТИ АЪЗОЛАРИ ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 июнданги «Т.К.Нарбаевани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси этиб тайинлаш тўғрисида»ги ПФ-5749-сон Фармони ва «Э.И.Баситхановани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси этиб тайинлаш тўғрисида»ги ПФ-5750-сон Фармони, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 50-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Танзила Камаловна Нарбаева ҳамда Эльмира Иркиновна Баситханова Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари этиб рўйхатга олинсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилсин.
3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М.АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 20 июнь,
921-сон.*